

Топшириқ ва ижро: "Орол" маҳалласида инфратузилма яхшиланмоқда



Вилоят ҳокимининг топшириғига асосан Термиз туманидаги “Орол” маҳалласини намунали ҳудудга айлантириш бўйича қатор амалга оширилмоқда. Хусусан, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, кўчаларни тартибга келтириш, ички йўлларни таъмирлаш, тошлаш, асфальтлаш ишлари давом этмоқда.

Бугун ҳам маҳалланинг Нурли чаман кўчасидаги 400 метрлик тош йўлда асфальт ётқизиш ишлари амалга оширилди. Туман ҳокимининг ўринбосари Бунёд Жўраев ва 3-Сектор раҳбари Ўктам Мустафоқулов томонидан ишларнинг бориши, асфальтнинг сифати ва белгиланган талабларга жавоб бериши назоратга олинди.